

5 СОНЛИ ШАРТНОМА

Фарғона шахри

2022 йил 19.01

«Ўзбектелком» АК бундан буён матнда “БАЖАРУВЧИ” номидан филиал директори В.В.Ежков 2021 йил 30 декабрдаги № 27-01-14/6024 – сонли ишончномасига асосан фаолият кўрсатувчи, бир томондан ва “Фарғона вилояти куриклаш бошқармаси” бундан буён матнда “БУЮРТМАЧИ” Б.И.Мирзакамалов низомига асосан фаолиятини амалга оширувчи иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартнома тузишди.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Фарғона вилояти Дангара тумани Х.Олимжон кўчаси 55-уйда жойлашаган “Дангара тумани куриклаш бўлими” биносига қадар оптик толали алоқа хизматларини кўрсатиш ишлари

2. ШАРТНОМА БАХОСИ

2.1. Шартнома умумий бахоси лойиха ҳисоб китоб бўйича 7 251 231 (Етти миллион икки юз эллик бир минг икки юз ўттиз бир) сўм.

(умумий шартнома бахоси ўзгариши мумкин)

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Ҳисоб китоб пул ўтказиш йўли билан 50 % миқдоридан аванс ўтказиб беради.

3.2. Счёт фактура, 2 ва 3 шаклдаги бажарилган ишлар ҳақида маълумотнома, сарф қилинган материаллар ва бошқа барча тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлгандан сўнг ҳисоб китоб қилинади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШ МУДДАТИ

4.1 Ушбу шартнома тегишли молия бўлимининг ғазначилик бўлинимасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

4.2 Ушбу шартнома томонлар имзолаб шартноманинг 3.1 бандида кўрсатилган тўловлар тўлангандан кучга киради ва тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амалда бўлади.

4.3 Шартноманинг амал қилиш муддати **31 декабр 2022 йил**

4.4 3.2.банди бўйича 2 ва 3 шаклдаги бажарилган ишлар муддати **31 декабр 2022 йил**

5. ТАРАФЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. “БУЮРТМАЧИ”нинг мажбурияти:

5.1.1. Счёт фактура, 2 ва 3 шаклдаги бажарилган ишлар ҳақида маълумотнома, назорат ўлчов баённомаси, ижро чизмалари, ишчи комиссиясининг далолатномаси, сарф қилинган материаллар ва бошқа барча тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлгандан сўнг 10 кун ичида ҳисоб китоб қилинади.

5.1.2. “БУЮРТМАЧИ” ўз вақтида бажарилган ишлар ҳажмини қабул қилиш.

5.1.3. Тегишли даражада сифатли бўлмаган ишлар (хизматлар) аниқланганидан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 72 соат ичида “БАЖАРУВЧИ”ни оғохлантириш.

5.1.4. Бажарилган ишлар бахосини ушбу шартномада белгиланган миқдоридан ва муддатларда тўлаш.

5.2. “БАЖАРУВЧИ”нинг мажбурияти:

5.2.1. Бажарилган ишлар (хизматлар) қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, сифатига қараб муддатида топшириш.

5.2.2. “БАЖАРУВЧИ” бажарилган ишлар (хизматлар) учун камида 12 ой кафолат муддати давомида аниқланган камчиликларни ўз ҳисобидан тўлиқ амалга оширади.

6. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. “БАЖАРУВЧИ” бажарилган ишларни ёки кўрсатилмаган хизматларда “БУЮРТМАЧИ” га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмини 0,2 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилган ишларни ёки кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошмаслиги зарур.

6.2. Агар бажарилган ишларни ёки кўрсатилмаган хизматлар сифати, ассортиментини, нави бўйича стандартлар, техник шартларга ва намуна (эталон)ларга қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса “БУЮРТМАЧИ” ишларни (хизматлар) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, “БАЖАРУВЧИ”дан сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар (хизматлар) қийматини 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга ҳақлидир, агар ишлар

(хизматлар) хақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган ишлар (хизматлар) учун жарима “БАЖАРУВЧИ”дан актсепсиз тартибда ўндириб олинади.

6.3. Бажарилган ишлар (хизматлар) хақини “БУЮРТМАЧИ” ўз вақтида тўламаса кечиктирилган хар бир кун учун тўлов суммакининг 0,4 фоизи миқдори, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Жарима, пеня тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф билан олдида ўзида боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, зилзила, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

7.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартнома ижросини бекор қилишлари мункин.

8. НИЗОНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномада ёки унда боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади.

8.2. Тарафларнинг келишуви билан хал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатлари асосида иктесодий суди орқали хал қилинади.

9. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина ҳуқуқий кучга эга ҳисобланади.

9.2. Шартномани тарафларни ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига асосан келтирилган зарарни қопланган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиниши мункин.

10. БОШҚА ХОЛАТЛАР

10.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилиб бир хил ҳуқуқий кучга эга.

11. ТАРАФЛАР МАНЗИЛГОХИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАР

“БАЖАРУВЧИ”


“Ўзбектелеком” АК”

Ал-Фарғоний кўчаси – 5 уй

х\р 20210000004074838349


“Алоқабанк” АТ бош офиси

МФО 00401 ИИН 203366731

Директор  / В.В.Ежков


“БУЮРТМАЧИ”


ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI
FARG'ONA VILOYATI QO'RIQLASH BOSHQARMASI
Farg'ona sh. Oqsuv k-si 4-uy. Tel: 73-241-75-03
H/r: 21596000900210137001
Farg'ona viloyati "Markaziy bank"
MFO:00026 STIR:200146674 OKED:80200

Бошлик  / Б.И.Мирзакамалов

Х у л о с а

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун қонуний экспертиза қилиб, қуйидаги мулоҳазаларни билдираман: Тарафларнинг жавобгарлиги меъёрий ва низоларни хал қилиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига жавоб бериши кўзда тутилади. Юқоридагиларга асосан шартномани имзолаш ҳуқуқига эга бўлганлиги сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали ҳуқуқшуноси: 

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI
FARG'ONA VILOYATI QO'RIQLASH BOSHQARMASI
YURIDIK HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
2022. 19. 01
23 RAQAMI BILAN
QAYD ETILDI  IMZO